

«Келишилди»

«Тасдиқлайман»

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини
таркибий қайта тузиш Агентлиги
Бош директори

 Н. Нажимов

« 27 » март 2017й.



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк Раисининг
биринчи ўринбосари

 С. Ходжаев

« 02 » май 2017й.

Тижорат банклари томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида қарз олувчиларнинг кредит аризаларини кўриб чиқиш РЕГЛАМЕНТИ

Мазкур Регламент Осиё тараққиёт банкининг “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳаси (кейинги матнларда “лойиҳа”) доирасида ушбу лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг кредит аризаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

I. Лойиҳа ҳақида умумий маълумот

1. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 мартдаги ПҚ-2813-сонли қарори асосида амалга оширилади.

2. Қарз олувчиларнинг кредит аризаларини ўз вақтида кўриб чиқилиши, маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши, мониторинги ва ҳисоботини олиб борилиши лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлигига (кейинги матнларда “Агентлик”) лойиҳани амалга оширишни мувофиқлаштириш ва лойиҳада иштирок этувчи тижорат банкларининг лойиҳа ҳисоб рақамидан маблағларни ечиш бўйича аризаларини кўриб чиқиш ва ОТБга тақдим этиш ҳамда лойиҳа маблағлари ҳисобига молиялаштирилган сублойиҳалар ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва мониторинг қилиш юклатилади.

4. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади.

5. Лойиҳа доирасида имтиёзли кредит маблағларини сублойиҳа ташаббускорларига бевосита ажратилиши ТИФ Миллий банк, АТБ Ўзсаноатқурилишбанк, АТБ Асака банк, АТИБ Ипотека банк, АТБ Хамкорбанк, АИТБ Ипак Йули банк, АТБ Турон банк ва ХАТБ Давр банк томонидан амалга оширилади.

II. Кредит маблағлари ажратилишининг асосий шартлари

6. Лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги матнда “қарз олувчи”) мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш бўйича сублойиҳаларни молиялаштириш учун кредит маблағлари ажратилади.

7. Имтиёзли кредит маблағлари сублойиҳа хусусияти ва бизнес планидан келиб чиққан ҳолда, 3 йил муддатгача имтиёзли давр билан 10 йил муддатгача бир қарз олувчи учун 5 миллион АҚШ долларидан ошмаган ҳолда ажратилади.

8. Бунда, қарз олувчи сублойиҳа умумий қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда лойиҳада ўз улуши билан (натурал формада, иш, хизмат, товар кўринишида) иштирок этиши лозим.

III. Кредит аризаларини кўриб чиқиш

9. Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари қарз олувчилар томонидан кредит ажратиш бўйича банкка тақдим этилган ҳужжатларни ушбу регламент иловасида кўрсатилган муддатларда расмийлаштиришга банкларнинг туман (шаҳар, вилоят) филиаллари бошқарувчилари масъул ҳисобланади.

10. Қарз олувчилар тижорат банкларининг филиалларига қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этадилар:

- имтиёзли кредит олиш тўғрисида ариза;
- молиявий ҳисоботларнинг нусхаси (баланс, молиявий натижалар, дебитор-кредиторлар, асосий воситалар, устав фонди ҳаракати);
- бизнес-режа ёки лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси;
- кредит суммасининг 125% дан кам бўлмаган миқдорда гаров таъминоти;
- лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, тижорат банклар бошқа зарурий ҳужжатлар талаб этиши мумкин.

11. Қарз олувчи тижорат банкининг худудий филиалига (туман, шаҳар, вилоят) кредит олиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тўпламини

тақдим этганидан сўнг тижорат банки томонидан кредит маблағларини ажратиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

11.1 Тижорат банкининг филиали (иловага мувофиқ) белгиланган муддатларда ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб, тижорат банкининг филиали кредит комиссияси қарорини тайёрлайди ва вилоят банкига тақдим этади.

11.2 Вилоят банки ўрнатилган тартибда лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ўз қарори ва лойиҳа ҳужжатларини кредит кўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши учун банкнинг Бош офисига тақдим этади.

11.3 Тижорат банкининг Бош офиси сублойиҳани молиялаштириш учун “Осиё тараққиёт банки кредит маблағларидан фойдаланиш Низоми”га мувофиқ кредит комиссияси қарорини қабул қилади ва сублойиҳалар бўйича тайёрланган тегишли ҳужжатлар тўпламини Агентликка ўрнатилган тартибда тақдим этади.

11.4 Агентлик ҳар бир тижорат банки томонидан киритилган биринчи 3 (уч) та кредит ҳужжатлари тўпламини Осиё тараққиёт банки талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, Осиё тараққиёт банкига келишиш учун тақдим этади.

Қолган сублойиҳаларни банк кўриб чиқиб, Осиё тараққиёт банкига келишиш учун тақдим этади.

11.5 Сублойиҳалар бўйича Осиё тараққиёт банкининг ижобий қарори олингандан сўнг талаб этилган маблағлар тижорат банкининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

IV. Якуний қоидалар

12. Тижорат банклари ҳисобот ойининг биринчи ва ўн бешинчи санасида туман (шаҳар, вилоят) ва Бош офисдаги сублойиҳа ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Агентликка ёзма равишда ахборот тақдим этади.

Тижорат банклари томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида қарз олувчиларнинг кредит аризаларини кўриб чиқиш регламентига илова

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” кредит линияси доирасида қарз олувчиларнинг кредит аризаларини кўриб чиқиш ва кредит маблағларини ажратиш

№	Бажариладиган ишлар	Масъул	Муддат (банк иш куни)
1-босқич (туман, шаҳар)	Мижоз аризаси ва унга илова қилинган кредит ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш (хулоса)	Тижорат банкнинг туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси	3
2-босқич (вилоят)	Лойиҳа ҳужжатларини ваколати доирасида кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш (хулоса)	Тижорат банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси	5
3-босқич (Бош банк)	Лойиҳани молиялаштириш бўйича вилоят банки томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, кредит кўмитаси қарорини қабул қилиш ва биринчи 3 та сублойиҳаларни кўриб чиқиш учун Агентликка киритиш	Тижорат банки Бошқарув Раисининг тегишли ўринбосари	7
4-босқич	Тижорат банки томонидан тақдим этилган биринчи 3 та сублойиҳалар ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Осиё тараққиёт банкига тасдиқлаш учун юбориш	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлиги	5
5-босқич	Киритилган лойиҳаларни кўриб чиқиш	Осиё тараққиёт банки	7
6-босқич	Тижорат банки томонидан сублойиҳаларни молиялаштиришни амалга ошириш	Тижорат банкнинг бошқарув Раисининг тегишли ўринбосари	3
Тижорат банки томонидан қарз олувчиларга кредит маблағлари ажратилишини рад этишга асос			
<ul style="list-style-type: none"> - кредит ажратиш учун зарурий ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки хато ва камчиликлар билан тақдим этиш; - миждоз зарар кўриб ишлаётган бўлса; - миждоз салбий кредит тарихига эга бўлса; - кредит таъминотининг етарли даражада эмаслиги; - миждознинг тўловга лаёқатсизлиги. 			